

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 22 СЕНТЯБРЬ, ДУШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 186 (11.247)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КҮНИ

Янгиликлар, воқеалар

### Иқтисодиёт

## ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИ

### Кечка сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жисмоний тарбия институтида «Репродуктив саломатлик — соғлом авлод пойдевори» мавзuida ўтказилган тадбир болалиқдан туғма ногиронликнинг олдини олиш масаласига бағишланди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги республика нафис санъат йўналишига ихтисослашган мактаб-интернати қошидаги Ёш географлар тўғраги ташаббуси билан уюштирилган ўқув машғулотида география фанининг аҳамияти борасида ўзаро фикр алмашилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фаолият юритаётган Етакчи ёшлар марказида «Камолот» ЁИХ ташаббуси билан ёш ҳисобчилар ва молия ходимлари учун ташкил этилган ўқув курслари тингловчилари иштирокида ўқув семинари ўтказилди.

● **БАДИЙ** академиянинг марказий кўرғазмалар залида мусаввир Эркабий Машариповнинг «Ватан ҳақида кўшиқ» деб номланган асарлари кўрғазмаси ташкил этилди.



● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида ўтказилган «Давр садолари» музика фестивали ва симфоник оркестр концерти Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилди.

● **МИРОБОД** туман Фафур Фулом номли маданият уйида «Даврани кенгроқ олинг» мавзuida ўтказилган рақс кечаси Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** футбол федерациясида уюштирилган матбуот анжумани терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатида саралаш турнири IV босқич беллашувларидаги иштироки масалаларига бағишланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** гандбол бўйича Ўзбекистон Кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



### ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МЕХНАТКАШЛАРИ, БОҒБОНУ СОҲИБКОР, ҒАЛЛАКОРУ ПАХТАКОРЛАР ИШИНИ ЕНГИЛЛАТИШДА, МЕХНАТ УНУМДОРЛИГИ ОРТИШИДА, МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН ТАЙЁРЛАШДА ВА ЕТИШТИРИЛГАН МАҲСУЛОТНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ БЕКИЁСДИР.

Шу ўринда мамлакатимиз аграр тармоғига техника воситалари етказиб беришда муносиб ўринга эга бўлган «Тошкент трактор заводи» оқиқ акциядорлик жамиятини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Шуниси аҳамиятлики, бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб изланаётган, талаблар даражасида маҳсулот турларини яратётган жамоа мутахассислари маҳаллийлаштириш дастури асосида изчил иш олиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чет эл техникаси билан бемалол рақобатлаша оладиган мазукур тракторнинг қуввати 100 от кучига тенг бўлиб, бирданига бир қанча вазифарани адо эта олади, яъни унга бульдозер қисмлари ва тиркама, кранли осма тизим, экскаватор усқуналарини уласа бўлади ва буларнинг барчаси буюртмачи учун қулайлик туғдиради.

Шунинг баробарида корхона муҳандис-конструкторларининг изланишлари самараси бўлган янги авлод тракторини ҳам ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини айтиш жоиз. Мазкур янги техника воситаси тезкор бўлиб, агрегатлари сони ҳам кўпдир. Тракторнинг осма тизимдаги юк кўтариш қуввати 3000 килограммга етказилган, қулай ва шинама кабина ҳар қандай ҳайдовчига маъқул келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, чет эл техникаси билан бемалол рақобатлаша оладиган мазукур тракторнинг қуввати 100 от кучига тенг бўлиб, бирданига бир қанча вазифарани адо эта олади, яъни унга бульдозер қисмлари ва тиркама, кранли осма тизим, экскаватор усқуналарини уласа бўлади ва буларнинг барчаси буюртмачи учун қулайлик туғдиради.

Албатта, тракторсозлар изланишларни давом эттиришмоқда. Энг муҳими эса уларнинг рақобатбардор техника воситаларига қўшни давлатлардан ҳам харидорлар борлигидир. Бу ишлар самарасини исботлаб турибди.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТЛАРДА: корхона тадбиркорлари сифатга эътибор қаратишмоқда. Козим Улмасов олган суратлар

## БРЮССЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМИ

### ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ КЕЧАСИ БРЮССЕЛЬ ШАҲРИ МАРКАЗИДАГИ МУҲТАШАМ «КОНЦЕРТ НОБЛЬ» МАРКАЗИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбир Бельгия жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Унда Брюссель шаҳри раҳбарияти, Бельгия ва Нидерландиянинг федерал ҳамда минтақавий вазирилари ва идоралари, ишбилармон, жамоат, таҳлил ва маданият доиралари, Европа комиссияси ва Европарламент вакиллари, шунингдек, Бельгияда аккредитациядан ўтган ЕИ ва НАТО хузуридаги дипломатия миссиялари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Илгиланган эътиборига мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталари ижросидаги концерт дастури меҳмонлар томонидан қизгин кутиб олинди.

Амстердам бизнес марказининг халқаро алоқалар масалалари бўйича масъул вакили Йорик Бэйшмен тадбир хузурида-

ги фикрлари билан ўртоқлашар экан, ушбу байрам кечаси ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлигини яна бир бор намойиш этганини таъкидлади.

— Айни пайтда биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик ўрнатish имкониятларини ўрганишимиз, — дейди Й.Бэйшмен Ўзбекистон ва Нидерландия ишбилармонлари ўртасидаги алоқалар иқтисодларига тўхталиб. — Муносабатларимиз икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилишига ишонамиз.

Амстердам амалий санъат директори Б.Дуня халқимизни байрам билан табриклаб, жумладан, шундай деди: «Ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқаришида халқининг бой маданий мероси акс этди.

Уларнинг концерт дастурини музейимизда ҳам уюштириш ниятидамиз. Бу музейимиз меҳмонларининг халқининг кўхна тарихи, бой маданияти ва аъёналари тўғрисидаги тасавурларини янада бойитишга хизмат қилар эди».

«Het VisumBuro» сайёхлик компанияси вакили Инга Ван Экер «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан кечган суҳбатда унинг компанияси жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам сайёхлик сафарлари уюштиришини маълум қилди.

— Бетакорр диёрингизни томоша қилишни хоҳловчи сайёҳлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда, — дейди у. — Ўзбекистон Шарқнинг энг мўъжизавий мамлакатларидан биридир. Бебаҳо тарихий ёдгорликлар, қадимий ва

ўзига хос маданиятга эга бўлган самимий ва меҳмондўст халқининг тобора кўпроқ европалик сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.

— Лёвен Катolik университети профессори Вильям Ван Дийлендонг байрам тадбиридан олган таассуротлари ҳақида гапириб, яқинда Ўзбекистонда бўлгани ва мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртли раҳбарлар билан учрашганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар демократик ва ҳар томонлама тараққий этган давлат барпо этишда таянч бўладиган ёш авлоднинг тарбиялашнинг кўп қатлами, — деди профессор В.Дийлендонг.

Азим МУҲАММАДЖОНОВ, «Жаҳон» АА, Брюссель

## ТАДБИРКОРЛАР МАНҒАРАТИНИ ҲИМОЯЛАШ ЙЎЛИДА

### МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ МАҚСАДИДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА АСОСЛАНГАН ҲУҚУҚИЙ ЖАМИЯТ ТАЛАБЛАРИГА МОС ҲАҚАМЛИК СУДЛАРИ ИЗЧИЛ ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА. БУ СУДЛАР ТАДБИРКОРЛАР ДУЧ КЕЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН НИЗОНИ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ХАЛҚЧИЛ МУҚОБИЛ ТИЗИМИДИР.

ри ҳамкорлигида ташкил этилган Ўзбекистонда ҳақамлик судларини ривожлантириш масалаларига бағишланган анжуманда шу ҳақда гап борди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси А.Шайхон юртимизда ҳақамлик судлари изчил фаолият юритаёт-

ганини таъкидлади. Ўтган давр мобайнида улар томонидан минглаб низоллар кўриб чиқилди ва ҳал этилди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, ҳақамлик низолларини тўри ва малакали ҳал этишга қўмақлашиш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат па-

латаси хузурида Арбитраж ривожлантириш маркази фаолият юритмоқда.

— Фуқароларни ҳақамлик судлари тўғрисидаги қонунчилик билан батафсил таъкидлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз, — дейди марказ директори Шавкат Жўрабоев. — Чунки ти-

зим имкониятларини билганлар ундан самарали фойдалана олади. Шу мақсадда ҳақамлик судлари судьялари ҳамда воситачиларнинг малакаси оширилмоқда.

Ҳақамлик судлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашнинг ягона амалиётини шакллантириш, ҳақамлик

судлари фаолиятини сертифицирлаш ва судьяларини жамоат аттестациясидан ўтказиш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига оид масалаларда тегишли идоралар билан ахборот алмашиш йўлга қўйилган.

Тадбирда марказнинг ҳақамлик судларини ривожлантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, бу борада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида** «Замонавий ахборот коммуникацияларининг ривожланиши ва ёшлар маънавияти» мавзuida давра суҳбати бўлиб ўтди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан** «Электр энергетикасини, ноанъанавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда уларни қонунчилик билан таъминлаш» деган мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

● **Пойтахтимизда** Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, АҚШнинг Янги демократиялар институтининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Демократик янгиликлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзuida семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● «Газли нефть газ қазиб чиқариш» унитар шўба корхонаси бир кеча-кундузда 2 миллион 600 куб метр газини шартнома асосида истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

● **Китоб туманидаги** «Севаз-Андроникс» масъулияти чекланган жамиятида мева шарбати тайёрлашга ихтисослашган янги технологик линиянинг ишга тушиши натижасида 50 та қўшимча ишчи ўринлари яратилди.

● **Хоразм вилоятида** академик лицейлар сони яна биттага кўпайиб, Хива шаҳрида 4-сонли академик лицейнинг замонавий бизнес фойдаланишга топширилди. Ҳозирда ушбу масканда 340 нафар иқтидорли ўғил-қиз таҳсил олмақда.

● **Ўзбекистон Футбол федерацияси** расмий веб-сайти «the-uff.com» кўплаб мухлислар кутган хушxabарни тарқатди. Унга кўра Миржалол Қосимов Ўзбекистон миллий терма жамоасининг бош мурабийи этиб тайинланди.

● **Тойлоқ туманидаги** «Адасагроинвест» қўшма корхонасида жорий йилнинг биринчи ярмида экспорт ҳажми 2 миллион АҚШ долларига етди. Тайёрланган маҳсулотнинг 95 фоизи Россия, Украина ва Қозоғистон мамлакатларига сотилмоқда.

● «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифарани бажариш мақсадида Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Андижон вилоят кенгаши «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Намунали талабалар турар жойи» кўрик-танловини ўтказди.

### ЖАҲОНДА

● **Япониянинг зироатчилик, ўрмончилик ва балиқчилик вазири Сэйити Ота** мамлакатда таркибида зарарли кимёвий моддалар бўлган гуруч сотувга чиққани учун истеъфо берди. Вазирнинг таъкидлашича, ушбу воқеа катта ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарган ва бунинг учун вазирлик жавобгарлиқни ўз бўйига олиши керак.

● **Франция ҳукумати** қишлоқ хўжалигида пестицид (зараркундаларга қарши ишлатиладиган кимёвий восита)лардан фойдаланишни 50 фоизга қисқартирмоқда. РИА Новостининг хабарига кўра, «Есophuto-2018» деб номланган ўн йилга мўлжалланган дастур Франция Вазирлар кенгашига тақдим этилди. Асосий мақсад қишлоқ хўжалигида кимёвий воситалардан ҳоли ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

● **ИТАР-ТАСС** хабарига кўра, Испания олий суди баск ерлари Коммунистик партияси фаолиятини тўхтатиб қўйди. Бунга партиянинг фаолияти тақиқланган Батасуна (ЭТАнинг сиёсий қаноти) партияси билан алоқа қилгани сабаб бўлди. Суд қарорига кўра, партия фаолиятига узил-кесил нуқта қўйилган.

● **Покистоннинг шимоли-шарқид** жойлашган Дир тумани аҳолиси жангарилар томонидан гаровга олинган 300 нафар ўқувчини озод қилишга муваффақ бўлганлиги ҳақида «Пресс ТВ» телеканали хабар беради. Гаровдагиларни қутқариш вақтида содир бўлган отишма туфайли икки нафар бошқинчи ўлдирилган, ўқувчилардан ҳеч бири жароҳат олманган.

● «Associated Press» ахборотида айтилишича, Непал пойтахти Катманду шаҳридаги тоғли йўللардан бирида соатига 160 километр тезликда ҳаракатланаётган йўловчи автобуси 180 метр баландликдан дарёга кулаб тушган. Воқеа жойида 14 киши ҳалок бўлган ва 25 нафар йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. Фожиага ҳайдовчининг бошқаруви йўқотганлиги сабаб бўлганлиги айтилмоқда.

● **Мексиканин**г Тихуана шаҳридаги қамқонлада маҳбуслар яна галаён кўтаришди. Мамлакатнинг Куйи Калифорния штати полиция маҳкамаси бошлиғи Даниэль де Ла Россининг сўзларига қараганда, галаён вақтида 19 нафар маҳбус ҳалок бўлган, 12 нафари эса тан жароҳати олган.

● **Турли манбаларда** келтирилишича, «Айк» тўфони АҚШ иқтисодиётига 18 миллиард доллар миқдорда зарар етказган. Айни кунларда «Айк» тўфони келтирган талафотлар ҳисоб-китоб қилинмоқда. Экспертларнинг айтишича, табиий офат Мексика кўрфазидида АҚШга тегишли 49 та нефть қазиб чиқаруви платформани ишдан чиқарган.



Юртимиз кундан-кунга чирой очмоқда.

МИРОБОД ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА «ЎЗСТАНДРТ» АГЕНТЛИГИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ, МИРОБОД ТУМАНИ АХБОРОТ-МАСЛАХАТ МАРКАЗИ, МИРОБОД ТУМАН ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ, ТУМАН ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ ХУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА ЎҚУВ-СЕМИНАРИ ЎТҚАЗИЛДИ.

Қарор ва ижро

ЎҚУВ-СЕМИНАР ЎТҚАЗИЛДИ

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Махсулот ва хизматларни сертифицилаштириш тўғрисида» Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Қорхона ва ташкилотларда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги, «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»-ги Қарорлари ижросини таъминлашга бағишланди. Унда Миробод туманида фаолият юритаётган юз нафарга яқин кичик қорхона, микрофирмалар, хусусий бизнес субъектлари, назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг Тошкент шаҳар Миробод туман ҳудудий комиссияси қошидаги жамоатчилик кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти, тегишли органлар ходимлари қатнашди.

Ўқув-семинарни кириш сўзи билан очган «Ўзстандарт» агентлиги Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдухамид Абдуқодиров семинарни ўтказишдан қўзғалган мақсадга тўхталар экан, юртимиз иқтисодиётида туман ҳудудий таътиртган тадбиркорлар сафи

борган сари кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунинг баробарида ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш Президентимизнинг доимий эътиборида эканлиги, хусусан бу соҳадаги Қарор ва Фармонлар ижросини таъминлаш ҳамжиҳатлик, ҳамкорлик, самарали саъй-ҳаракатларни талаб қилишини эътироф этди.

Жумладан, сўз олганлар орасида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Тошкент шаҳар Миробод тумани бўлими, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бошқармаси тасарруфидоги Миробод туман бандликка кўмаклашувчи маркази, туман солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи, раҳбар, етакчи мутахассислари ўқув-семинар қатнашчилари билан очик мулоқотда бўлиб, улар томонидан айрилган фикр-мулоҳазалар ҳеч қимми бефарқ қолдирмади, тадбиркорлар томонидан берилган саволларга қоникорили жавоблар олинди.

Эътиборли томони, қарорлар ижросини таъминлашга бағишланган ўқув-семинар давомида қатор амалий тақлифлар ҳам киритилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Солиқ

ИМКОНИАТЛАРДАН УНУМЛИ Фойдаланайлик

МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ҚИЗГИН КЕЧАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ЭНГ АВВАЛО, ИНСОН ВА УНИНГ МАНФААТЛАРИНИ НАЗАРДА ТУТАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТАЪКИДЛАГАНИДЕК, ИСЛОҲОТЛАР ШУНЧАКИ ИСЛОҲОТ УЧУН ЭМАС, БАЛКИ ХАЛҚ УЧУН, УНИНГ БАХТ-САОДИТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ КЎЗЛАБ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Хусусан солиқ инспекциялари томонидан амалга оширилаётган барча тадбирларнинг мазмун-моҳиятида ҳам аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва йўл қўйлаётган камчиликларни бартараф этиш мақсади муҳасам. Бу борада Сергели тумани солиқ инспекцияси ходимлари ҳам солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, соҳада қабул қилинаётган Фармон ва қарорлар, хусусан тизимини тартибга солувчи, тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий ҳимояловчи ҳужжат сифатида янги қабул қилинган «Солиқ кодекси» мазмун-моҳияти ҳақида аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Республика Президентининг 2007 йил 16 мартдаги «Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилиши янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 605-қарори кучга киргунча туманда алкоголь ичимликлар савдосига рухсат берилган хўжалик субъектлари 154 тани ташкил этиб, шундан чакана савдо қорхоналари 76 та, уларга қараши шохобчалар сони 99, умумий оватланиш қорхоналари сони 77 та ва уларга қараши шохобчалар сони 87 та эди.

Қоридоги Фармон эҳроси бўйича 2007 йил 1 майдан янги рухсат-нома олиш учун Тошкент шаҳар комиссиясига 52 та савдо дўконлари ва 87 та умумий оватланиш шохобчаларидан, жами 139 та ҳужжатлар тақдим этилди. Шундан 41 та савдо дўконлари ва 71 та умумий оватланиш шохобчаларига, жами 112 та янги рухсат гувоҳномалари берилди. Шаҳар комиссиясига тақдим этилган 11 та савдо дўконлари ва 16 та умумий оватланиш шохобчалари, жами 28 та хўжалик субъектларига мактаб, болалар муассасалари ва ўқув ўрнларидан 500 метрдан кам масофада жойлашганлиги, алоҳида оморхона йўқлиги, эгаллаб турган майдонни қамлиги, шунингдек устив жамғармаси қарор талабларига мувофиқ бўлмаганлиги учун алкоголь маҳсулотлари савдоси учун рухсатномалар берилмади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, давлатимиз томонидан тадбиркорлар ҳар томонлама қўллаб-қувватлашиб, бир қанча қарор ва Фармонлар ҳаётга таътиқ этилмоқда. Мазкур мезърий ҳужжатлар уларнинг эркин фаолият қўрғашларида, иқтисодиёт ривожига уллушлари ортисида муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина тадбиркорлар мавжуд қарор талабларига амал қилган ҳолда фаолият олиб борсалар қифоя. Туман давлат солиқ инспекцияси «Қиска муддатли текширишларни ўтказиш» бўлими ходимлари томонидан ўтказилган назорат текширишлар натижасида қорун талабларига амал қилмаган юридик ва жисмоний шахслардан ноқонуний алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилгани учун 6363,7 миң сўмлик 3028 шиша спиртли ичимликлар олинди, мусодар қилинди ва қонунбузарлик ҳолатлари бўйича тегишли ҳужжатлар чора қўриш учун расмийлаштирилди. «Санбаҳт» ЕАЖ ва «Алибой Азизбек» Х.К. ларнинг масъул ходимларига нисбатан эса Республика Жиноят Кодексининг 186-модда 1-қисми ва 189-модда 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилган.

Оқоридоги мисоллардан қўришиб турибдики, ҳар қандай тадбиркорлар ҳаракати қорун талабларига эид бўлса, унга нисбатан белгиланган тартибда чора қўрилади. Шундай экан, тадбиркорликка қўл урган ҳар бир шахс қонунларимизни ҳурмат қилиши ва унга ояшмал амал қилиши лозим. Яратилган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш ўз қўлимизда, шуни унутмайлик.

Ҳожиакбар АБДУҚОДИРОВ, Сергели тумани давлат солиқ инспекцияси бўлими бошлиғи.

У Европа, АҚШ, Осиё мамлакатларида ўз фаолияти билан шуҳрат қозонган киши. Уни дунё ишбилармонлари яхши танийди. Ўзбекистон билан эса янада яқинроқ ришталар боғлаб туради. «Интер-Атлас» халқаро кўргазмалар компанияси бош директори Аждар Таж шу кунларда пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибди. Мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашди, шунингдек ўзи бошчилик қилаётган делегация аъзолари билан бир қатор йирик қорхоналар фаолияти билан яқиндан танишди. Лекин ҳозирча Туркияга қайтиш нияти йўқ. Ва бунга, меҳмонимиз фикрига қараганда, қатъий асослар бор. Олдиндан шуни айтиб ўтамизки, Аждар Таж дунё кезишни давом эттирмоқда, лекин эндиликда ягона мақсади — Ўзбекистонга бизнес-ҳамкорларни кенгроқ жалб этишдир.

Дарҳақиқат, бу менинг асосий иш фаолиятим, аммо энди ўзимни бутун Ўзбекистонга бахшида этишга қарор қилдим, — деди Фахр билан Аждар Таж. — 2004 йилда Тошкент шаҳрига келганимда, мен қандайдир ўзгача, авваллари билмаган-сезмаган муҳитга тушиб қолганимни англадим. Ўзбек халқининг меҳмоннавозлиги, кўнгли очик, бағрикенг, хайрихоҳона муносабатлари ҳақида кўп эшитганим, лекин бу бундан-да илиқ — қардошлик, қондошлик ришталари эди...

Ишонмаслигиниз мумкин, аммо ўша пайтда мени мутаассир қилган ҳис-туйғунлар узок вақт ўзимга кела олмадим. Шундан тўён бу кутлуг дийр мени ўзига қортоваради. Бу ерда узок қолиш истагимдан... Сўхбатдошимиз айтишича, Ўзбекистонда иш бошлашдан аввал иқтисодиётимизни, маданиятимизни ўрганган. Бу ерга дастлабки ташрифи эса икки дўстона мамлакатнинг тарихи билан чуқурроқ қизиқишига асос бўлди. Кўллаб манбалар орқали унинг аждодлари, қариндош уруғлари шу ерда, бизнинг юртимизда туғилиб, қанот ёйганидан бохабар бўлди. Шу-шу, ҳар сафар мамлакатимизга келганида, кўллаб жойларга, чекка-чекка кишлоқларга ҳам бориб, ўзига яқин ришталарни излайди. Унинг бу борадаги ҳаракатлари зое кетмаслигига ишонди. «Зеро, — дейди у, — ақинлик ҳисси устун келаетир, демак бежиз эмас... Аждодларим шу заминда яшаб ўтган экан, ўзбек халқига қанчалик миннатдорчилик билдирсам оз, бу саховатпеша халқ олдида ўзимни қардор деб билман...

Аждар Тажнинг мамлакатимиздаги асосий фаолиятига келсак, дяррли ўтган беш йил давомида у бошчилик қилаётган «Интер-Атлас» гуруҳ-компанияси пойтахтимиздаги «Ўзқўргазмасавдо» мажмуасида ўндан зиёд халқаро кўргазмалар ташкил этди. Биринчисида турли мамлакатлардан иштирок этган 55 дан кўп фирмалар томонидан тўқимачилик соҳасининг дяррли ҳар босқичи — пахтани қайта ишлашдан бошлаб то тайёр маҳсулотга қадар имкониятлар намойиш этилди. Шу йил апрель ойида Ўзбекистон Бадий академиясининг кўргазмалар залида ўтказилган замонавий технологиялар кўргазмаси кўлами янада кенгайиб, унда қурилиш, электротехника, дизайн йўналишлари бўйича буғунги кунда жаҳонда кенг фойдаланилаётган ускуналар, жиҳозлар билан танишиш имконияти бўлди.

— Шўхбасиз, шу ўринда кўпчиликини пироварди натижалар қизиқтириш табиий. Авваламбор шунга айтиб ўтқочимки, ҳар бир кўргазмага олдиндан қатта тайёрлик қўрилади. Биринчидан,

даги ўзгаришлар ҳақида гап борадиган экан, қўйидагиларга алоҳида эътибор қаратиб ўтиш ўринли деб биланам. 2004 йилда Ўзбекистонда пахтани қайта ишлаш даражаси 15-20 фоизга тўғри келган бўлса, буғунги кунга келиб бир неча мартага ошди, чуқур қайта ишлаш,

ягона ага эди. Бўлажак ҳамкорлари олдида сўзидан чиқа олмаслигини даражасини, шеърятдан хабардорлиги боисми, авиакасса олдида бир зумда «Яхши-яхши инсонлари, Жуда йиссиқдир қонлар, Дунёга очилмиш шарофлари, Севаман сени, Ўзбекистон!» дея

фўзали ташкилоти АЙСЕКО томонидан Ислон маданияти пойтахти деб эълон қилинди. Сир эмаски, бу каби иққори мартабага хаттоки ривожланган давлатлар эга бўлмаган. Халқаро ҳамжамияти Самарқанд, Хива, Бухоро шариғи жаҳон цивилизацияси манбалари деб ҳисоблайди. Бу қаторда Тошкент Осиёнинг Бош кенти, қитъаннинг оstonаси бўлган ва шундай бўлиб қолаверади. ЮНЕСКОнинг 2008-2009 йилларида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тадбирлар халқаро даражада кенг ўтказилиши юзасидан қарори ҳам яна бир бор Ўзбекистон ўзбек халқининг, шу ўринда аждодларим, менинг халқим буюк тарихини дунё тан олаётгани далилидир. Яқин орада нияти менинг ордум, менинг мақсадим рўёбга чиқиш арафасида. Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентда «Интер-Атлас» мақоми оstonида 100га яқин турк компаниялари иштирокида янги экспозиция очилди. Бу тадбир менинг фаолиятимда, балки ҳаётимда ҳам тўб бурилиш ясаши мумкин. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар бошқармаси кўмағи билан «Интер-Атлас» кўргазма павильони «Ўзбекистонда доимий равишда фаолият юрита бошлайди ва бундан кейин мунтазам ўтқазиб келинадиган кўргазмалар турли йўналишлар бўйича ташкил этилиб, нафақат ўзбекистонлик, балки яқин қўшни давлатлар вакиллари учун ҳам қатта қулайликлар яратилади. Гап шундаки, бу ерда намойиш этиладиган ҳар бир экспонат мутахассисларимиз ёрдамида жойига чиқиб, яъни масалан, фермер хўжалиги майдонида бевосита синавдан ўтказилади. Шундан сўнг анча арзон нархларда ҳамда кредит, лизинг ва бошқа имтиёзли шартномалар асосида олиш мумкин бўлади. Бу кўргазма азим Тошкентнинг 2200 йиллигига менинг арзимас тўғам бўлади, деган умиддаман. Тўрт йил ичида давлатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар 60 миллион АҚШ долларини ташкил этар эди, ҳозирда бир миллиард АҚШ долларига өтди. Тез орада бу кўрсаткич тўрт-беш баробар ошишини, халқларимиз аҳиллиги, қардошлик ришталари янада мустаҳкамлашиб боришини истаб қоламан.

— Тошкент тисмолида Ўзбекистон ислом дунёси эътирофига сазовор бўлди, — деди таъкид саволимизни англаб Аждар Таж. — 2007 йилда Тошкент БМТнинг ну-

тўртлик битгани авиаккомпания вакиллари хайратга солди. Албатта, вазият мушкул бўлса ҳам, унинг масаласи ижобий ҳал этилди. Бу нимадан далолат беради? Ўзбекистон буғунги кунда иқтисодий мустақил даражасига эришди десак, муболага бўлмайди. Мамлакатингизни дунё билди ва бу ерга одамлар яқиндан таниш учун, агарда тадбирли ишлари бўлса, унинг бозорига ўз ўрнини топиш учун келаетирлар. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Буюк Ипак йўли даридаги номи — Марказий Осиё минтақасининг энг қатта давлати ва юраги сифатида довруғи ошиб бормоқда. Ишонаманки, яқин келажакда Ўзбекистон кўп жаҳонларда жаҳонда етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллайди. Президент Ислон Қаримов бу ҳақда кўп таъкидлайдилар ва мен бу гўзал мамлакатнинг ютуқларини кузатар эканман, сизнинг эзгу-нияларингиз ижобат бўлишига, қиска вақт ичида тараққий ривожланиш даражасига чиққани билан дунёни лол қолдиратган ўзбек халқининг яратувчанлик кучига ишонаман.

Мехмонларимизнинг бундай дил изорлари, миннатдорчилик фикрлари бизга гурур ва ифтихор бахш этади. Шундай бўлса, Аждар Тажнинг мамлакатимиз ҳақида жуда кўп нарсадан воқифлиги, қолаверса, Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига алоҳида соғва тайёрлаётгани бизни ҳайратлантди.

— Тошкент тисмолида Ўзбекистон ислом дунёси эътирофига сазовор бўлди, — деди таъкид саволимизни англаб Аждар Таж. — 2007 йилда Тошкент БМТнинг ну-

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

СИРИ ОПАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Англиянинг Кент графлигидаги депозитор марказида 25 миллион фунт (44 миллион долларлик) ўғирлик содир этилди. Марказ директорининг оиласини гаровга олган номаълум шахслар Sekuritas инкасаторлик фирмасига олти нафар шерикларини юборди. Қуролланган қароқчилар фирманинг депозитор марказини «тозалаб» кетишади. Йўқотилган пулларни айтмаганда, босқинчилардан ҳеч қим жиддий жароҳат олмаган. Графликда юз берган бу ўғирлик Европа тарихида содир этилган йирик жиноятлардан бири бўлиши мумкин. Жиноятчилар шу қадар профессионал тайёрларлик қўришганки, полиция уларнинг изига тушолмапти.

● Суви Куёш энергияси ёрдамида шўрсизлантиришнинг янги услуби оддий технологияларга қараганда таннархи пасаитириш ва олинаётган истеъмол суви сифатини ошириш имконини беради. Димондаги Ядер тадқиқотлар маркази олими Дани Саги суви шўрсизлантириш ва кўёш энергиясини олиш билан шуғулланадиган қатор фирмалар мутахассислари ёрдамида шунга эришди. Тадқиқот мазмунотлари Саноат ва савдо вазирлиги бош илмий мутахассиси Аннан Эйнав буюртмаси бўйича бахарилди.

● Нон дарахти деб аталавчи ўсимликнинг бўйи 18-20 метр, барглари эса йирик-йирик шаклда бўлади. Мевасининг оғирлиги 15-20 килограмм келади. Бир тул нон дарахти бир неча юз килограмм «нон» ҳосил бериши мумкин. Мевасининг пўсти гудда-гудда, мағзи сарғиш лимонранг. Пишгач, мағзи ҳамирдек юмшаб қолади. Унинг мевасининг учти ўткир ёғоч билан бир неча жойидан тешиб, тул бўйи ташқарига қўйилади. Эрталабгача ҳамирга ўхшаб ошиб қолади. «Хамир»га сув ва норхил ёғи қўшиб ёғоч тоғорада қорилади. Зувалалари банан баргига ўраб тандирда ёпилади. Ундан тайёрланган ноннинг таъми бугдой нон таъмига ўхшаб кетади. Нон дарахти Хиндистон иқлимига мослашган бўлиб, кўпроқ ўлканинг жанубида ўстирилади.

● Бельгиялик Жак Лежамбо уйининг олдида куймаланиб юрганда ер оstonдан чиқётган қора суюқликка қўзи тушиб қолади. Бу неғиб эди. Лежамбо ҳайрон бўлиб, нима қиларини билмай турганда шу атрофдан ўтаётган бир киши ерни уй-пўйи билан қўшиб сотиб олишини айтиди. Иккаласи баҳосини 400 миң долларга келишиди. Бориб нотариусда ҳужжатлаштирилди. Бир кеча-кундуз ўтгач, нефть чиқиси анча қамайиб қолди. Учи соатдан кейин эса ўша ердан ўтган нефть учури тешилганлиги ва тузатишганлиги ҳақида хабар тарқалди.

● «Асаф ха-рофе» касалдонси профессорси Йегошуа Бен Нун кўз қобиги функциялари бузилишини даволайдиган услубни ишлаб чиқди. Шу пайтга қадар бундай паталогияни даволаш лазер нури ёрдамида «ортиқча» томиларни куйдиришга асосланарди. Бироқ, бундай операция томиларнинг вақтинчалик фаолият юритмаслигига олиб келарди. Бундан кейин улар қайта ўсиб кетарди. Натижада қиммат турадиган жараёнини бир неча бор қаторлашга тўғри келарди. Профессор Йегошуа Бен-Нун ортиқча томиларни йўқотадиган жараёнларни бошқарадиган ҳамда уни атиги бир марта ўтказиш имконини берадиган, шунингдек, кўз қуришига тўқинлик қиладиган қон тури қайта ривожланиб кетишининг олдини оладиган компьютер электрон-оптика тизимини ишлаб чиқди. Янги тизим соғлом ҳужайраларга таъсир қўрсатмаган ҳолда кўзга ҳалақат берадиган капиллярларни йўқ қилиш имконини беради.

● Англиялик Билл Смит ичхам машина иктиро қилишга муваффақ бўлди. Бу «Пак нестер» деб номланган машинада турли рўзгор чикиндиларини преслаш, ҳатто шиша идишларни ҳам майдалаш мумкин. Мўҳими, у электр қувватида ишлайди. Катталиги эса музлатгичдек келади.


● Дунёда энг қатта япроқ Амазонка дарёси соҳилларида ўсадиган рафия пальмасиники экан. Унинг худди чодир каби енг япроғининг узунлиги 22 метр, эни 12 метрга тенг. Банди эса беш метр келади. Бундай биргина япроқ оstonида 12 киши ёмғир ёки жазирамадан қочиб паноҳ топиши мумкин.

● Автомобиль ҳайдовчиларининг йўлда тешилган баллонга дам — ҳаво бериш жараёнини Англиядаги фирмаларнинг бири осон ҳал қилиб, ҳайдовчилар учун энг қулай бўлган митти компрессор иктиро қилди. Автомобиль аккумуляторидан ишлайдиган бу компрессор ёрдамида бир дақиқада қаммида 6 литр ҳавонини ҳайдаб, қатта автомобиль баллонини 90 сонияда ҳаво билан тўлдирди. Ишлатиш жуда осон, қулай.

● Археологларнинг тадқиқлашича, тош асрининг одамлари туяқуш тухумини севиб истеъмол қилишган. Табиийки, бу жониворни хонақиллаштиришга ҳам улғуришгандир. Мутахассисларнинг бундай тўхтама қилганига Жанубий Америкада топиладиган туяқуш тухумининг пўчоқлари сабаб бўлди. Маълум бўлишича, бу жонивор тухумининг пўчоғида аминокислота мавжуд бўлиб, ўшбу кимёвий модда анча давр ўтса-да, ўзи макон топан жойга ҳеч қандай зарар етмаслигини таъминлар экан. Мутахассислар туяқуш пўчоқлари бундан 200 миң йил муқаддам ерға тўшганини аниқлашди. Ҳозирда энг замонавий бўлган радиокарбон қурилмаси топила қадимийлигини 50 миң йилгача аниқлай олади. Пўчоқлар ёрдамида инсоннинг қачон пайдо бўлганлигини аниқлаш мумкин деган бўлиб.

● Жаҳонда энг содда тил Гавай оролида яшовчи халқлар лисонидир. Унда олтига ундош ва бешта унли харфлар бор ҳосил. Шунингдек бу тилда биронта ҳам талаффуз қилиш қилин бўлган сўз учрамайди. Аммо унинг грамматикаси шу қадар мураккабки, ҳатто ўткир тилшунослар ҳам бу тил қаршисида ип эшолмай қолишади. Шундай бўлса-да гавай тилида ҳеч қийналмай исталган фикрни изҳор этиш мумкин.

● Дунёда турли жониворларга, қўнучи мушук, фил, ит ва бошқаларга қўйилган ҳайкаллар ва ҳайкаллар мавжуд. Аммо яқинларгача бақарга ҳайкал қўйилган эмас. Эндиликда бундай ҳайкал Париж университетиде пайдо бўлди. Бу жониворнинг тош тисоли абадийлаштирилди. Хўш, жониворларга ҳайкал қўйишдан мақсад нима, деган савол туғилади. Буннинг боиси жониворларнинг одамларга қилган яхшиликлари ва хизматларини қўрсатиш экан. Масалан, «Родос» оролида илонларни туёқларида мажақлаб ташлаб, аҳолини уларнинг захаридан қутқариб қолган икки қийнак, Буюк Британияда иккинчи жаҳон урушининг айна қизиб турган пайтида мамлакат суви ости кемасини халокатдан қутқариб қолган қабутарга ва АҚШда эса дельфинга қўйилган бронза ҳайкаллари мавжуд. Даниянинг Орхус шаҳри марказидаги майдонда мамлакатнинг асосий экспорт моли ҳисобланган ойна чўки билан унган ўнта боласига қўйилган бронза ҳайкални сайёҳлар ва меҳмонлар қизиқиб томоша қилдилар. Утган асрда Австралия қитъасида кактус ўсимлигининг тарихи билан боғлиқ ишларни эслайтиб турувчи Бразилия кактус кўясига ҳам қўйилган ҳайкални кўпчиликл томоша қилади.



1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

### МАКТАБИМ — ҚУТЛУҒ ОСТОНАМ

**МАЪРИФАТ — МАНГУ ЁНИҚ АЛАНГА. У ҚАЛБЛАРГА ОЛОВ, КЎЗЛАРГА ЗИЁ БАҒИШЛАЙДИ. МАЪРИФАТ СИРЛИ ТИЛСИМОТ, У КИШИЛАРНИ ЁРУГЛИККА, ОЙДИН УМИДЛАРГА ОШНО ЭТАДИ. МАЪРИФАТНИНГ ЗАМИРИДА УСТОЗЛАРНИНГ ЗАХМАТКАШ МЕХНАТИ, БЕҚИЁС ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШЛАРИ ЁТАДИ. ТАРБИЯНИНГ ЎЧОҒИ БЎЛМИШ МАКТАБ ЭСА ДУНЁ ИМОРАТЛАРИНИНГ ЭНГ ҚАДРЛИСИДИР.**

— Дарҳақиқат, мактаб, ёшларни маърифатга чорловчи, уларни эзгуликка ошно қилувчи, ватан, она, нон каби муқаддас сўзлар маъносини теран аниқлашчи ва ўргатувчи нури маскандир. — дейди касб байрами арафасида суҳбатдошимиз. Учтепа туманидаги 123-мактаб директори Саида Арипова. — Салкам 40 йиллик тарихга эга бўлган муъжазгина мактабимизда ёшларнинг билим олишлари, ўз иқтидор ва истеъдодларини янада шакллантиришлари борасида заҳматкаш жамоамиз тиним билмай меҳнат қилмоқда. Мактаб остонасидан қадам ташлаб кираётган ўқувчи, худди ўзини ўз уйдигидек эркин хис қилмоғи, ушбу муқаддас маскани севмоғи, унга янада талпинмоғи учун ўқитувчи фидойи бўлиши керак. Зеро Ватан остонадан бошлангани каби, ёш боланинг илк қутлуғ қадами ҳам мактабдан бошланади. У шу ерда шаклланади, илм олади, онг ва тафаккурини шарҳлайди ҳамда тарбиясидаги баъзи бир нуқсонларни айна шу маскандан ўқитувчилар ёрдами билан

бартараф этади. Ватанни севishi, уни ардоқлаш, юртва садоқатли бўлиш, миллий анъана ва урф-одатларимизга эҳтиром айна мактаб таълимидан бошланади. Шундай экан ҳар бир ўқитувчи ўз бурчидан келиб чиқиб, ёшларга ибрат бўлиши учун янада изланиб, ўрганиб тажрибасини янада такомиллаштириши шартдир. Дарҳақиқат, бугунги кунда шаҳримиздаги мавжуд барча мактабларда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида қатор самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Учтепа

туманидаги 123- мактабда ҳам ўқувчиларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ўғил-қизларнинг билим доирасини янада кенгайтириш мақсадида мактабда турли хил тадбирлар, давра суҳбатлари, ҳар хил соҳа вақиллари билан жуда кўплаб ўқувчилар ўқитилиб турилади. Яқинда ўқув масканида илк бора «Ишонч почтаси» ташкил қилинди. — Бу почтани ташкил қилишимиздан мақсад, — дейди 9-«в» синф раҳбари Дилдора Нуриддинова, — ўқувчиларимизнинг ички дунёсини янада яқинроқ билиш, улар юзмаюз айтилмаган гапларини, ўқитувчилар ҳақидаги фикрларини, ёки дилидаги сирларини бемалол

ўртоқлашишлари учун ташкил қилдик. Чунинчи ҳар бир ўқувчининг ўз дунёси, дунёқараши ва тасаввур олами бўлади. Бизнинг ўқитувчилар жамоаси уларга янада яқинроқ бўлиш, кунгилдан ёрдам бериш учун ҳам ушбу сирлашни йўналишини йўлга қўйдик. Бунинг самараси хайрли бўлишига ва озми кўпми баъзи бир тушунмовчилик ва чалқашликларнинг олдини олишга муваффақ бўламиз, деган умиддамиз. Албатта, бунда ўқувчининг исм-шарифи сир тутилади. Бу жараён ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги кўзга кўринмас меҳр ришталарининг янада мустаҳкам боғланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг келажақда мам-

лакатимизнинг қорига ярайдиган, доно, зукко, билимдон баркамол авлод бўлиб етишишида жонқуяр ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта. Қутлуғ байрам арафасида ана шундай устозлардан Мавжуда Ҳайитова, Феруза Азимбекова, Гулнора Ражабова, Мавлуда Бадалбекова-ларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш ўринли. Зеро улуг бобоми Абдулла Авлоний айтганидек: — Маърифатли халқ шижоатли бўлур, маорифдан, фунундан ва маданиятдан махрум қолган халқ жажолат панжалари орасида эзилладир — маърифатни эса фақат устозлар тарқатадилар. **Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: мактаб фаолиятиндан лавҳалар.**


**БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАВ БАРКАМОЛ, ҲАР ТОМОНЛАМА КОМИЛ ИНСОНЛАР БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ ЙЎЛИДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДА ЎРТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖ ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА. ЎҚУВ МАСКАНЛАРИДА ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТ ВА ИМКОНИЯТЛАР ТУФАЙЛИ ЯНГИ-ЯНГИ ИҚТИДОР, ИСТЕЪДОД ЭҒЛАРИ, СПОРТНИНГ ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЎЙИЧА ЧЕМПИОНЛАР ВА ФАН ОЛИМПАДАЛАРИ ГОЛИБЛАРИ ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА.**

Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадлар йўлида ёш авлодга пишиқ-пукта билим бериб касб-ҳунар сирларини мукамал ўргатиб келаятган таълим масканларидан биридир. 1930 йилда Ўрта Осиё алоқа техникуми номи остида иш бошлаган ушбу маскан жорий йилда тўлиқ қайта таъмирланиб, чирой очди.



— Ўқувчи-ёшларимиз масканимизни Ёшлар йилида бутунлай янги қиёфа касб этганидан беҳад қувонмишди, — дейди коллеж директори Марат Зоҳидов. — Чунки билим даргоҳимиз янги йўлдан бошлаб ўқувчиларга озода, чиройли, янги мебель, стол-стуллар билан жиҳозланган синф хоналари, янги ўқув жиҳозлари, махсус технология ва асбоб-ускуналар, спорт зали барча зарурий анжомлар билан таъминланган ҳолда хизмат қилмоқда. Коллеждаги мавжуд 65 та аудитория, 40 та лаборатория, 30 мингга яқин китоб

фондига эга бўлган кутубхона кироатхонаси билан, 3 та компьютер синфи, 2 та ёпиқ спорт зали, 3 та спорт майдончаси, 3 та «Маънавият ва маърифат» хоналари, ҳар бири 400 ўринга эга бўлган 3 та ётоқхона, 250 ўриндикка эга бўлган ошхона, тиббий хоналар доимий равишда ўқувчи ва ўқитувчилар учун яхши илм олиш, таълим-тарбияли бўлишларига имкон яратиб келмоқда. Ўқувчиларимизга таълим бериб келаятган юздан ортиқ ўқитувчилар доимий изланишда. Улар «Таълим тўғрисида»ги қонун, Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб



### Ўқув масканларида КОЛЛЕЖ ЯНГИ ҚИЁФАДА

чиқиб аниқ режа ва янги дастурлар асосида иш олиб бормоқдалар. Бугунги кунда коллежда 7 та йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Айтиб ўтиш лозимки, Умуммиллий давлат дастури асосида тўлиқ қайта таъмирланган ушбу даргоҳда ҳали ишлар давом этади. Ички боқичда олиб борилиши мўлжалланган таъмирлаш ишлари айна кунларда 2 та ўқув корпуси, ошхона ва буфетда тугатилган, иккинчи босқичда эса лабораториялар, 2 та спорт зали ва маъмурий бинолар тўлиқ таъмирдан чиқарилади. — Мақсадимиз ўсиб кела-

ётган ёшларимизни ўз касбининг моҳир мутахассиси, она юртига муносиб фарзанд этиб тарбиялаш, — дейди директор. — Мана шундай шароитларда таълим олиб, ҳунар эгаллашнинг ўзи ҳам катта бахт, яратилган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланиш эса ҳар бир ёш учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

**Шоира МУХАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг бугунги қиёфаси мана шундай гўзаллик касб этган.** **Максим Черногаев олган суратлар**

### Тақдимот НУРЛАРГА БУРКАНГАН ВАТАН

**КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «ИЖОДИМИЗ ҲАҚИДА ГАПИРСАК» НОМЛИ АЛЬБОМИНИНГ 3 НАШРИ ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ ҲАМДА МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛГАН ИЖОДКОРЛАРИ ТАБРИКЛАШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Бадий Академияси охириги йилларда жуда кўплаб китоблари нашр этмоқда. «Ижодимиз ҲАҚИДА ГАПИРСАК» альбомининг учинчи наشري ҳам ана шундай янги нашрлар сирасига қиради. Ушбу нашрда асосан бадий жараёнга илк қадамини қўяётган ва ижодкорларга касбий маҳорат сирларини, билим ва ҳаётий тажрибаларини ўргатиб, ижодини педагогик фаолият билан қўшиб олиб бораётган рассомлар асарлари тақдим этилган. Замонавий санъатнинг бугунги босқичида келажак авлодини маънавий руҳлантириш, уларга сидқидилдан қўмақлаштириш, давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлиб, жаҳон тараққиётида ўзининг муносиб макеига эга бўлишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Чунинчи ёшларимиз чизаётган сара суратлар дунё мамлакатлари кўргазмаларида ўзини хос нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Мазкур альбомда жуда кўплаб иқтидорли ижодкорларимизнинг ижодларидан намуналар берилган. Альбомини тарқатганининг сари гўзаллик ва эзгуликка йўғрилган нафислик кишини ўзига жалб қила бошлайди. Унинг ҳар бир бетидеа буюк бир юрт, ҳур она замин, мунаввар қўёш, муқаддас замин, болажон ўзбек халқи, меҳнаткаш бободоҳронинг, нури ва истиқболли бахтли ҳаёт йўли тасвирланиб бораверади. Тасвирий санъат тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаятган Ўзбекистон Бадий Ижодкорлари уюшмаси ижодкорлари ўзларининг асарлари билан мамлакатимизни дунёга танитиб келмоқда. Мазкур альбом эса келажакнинг мунаввар йўлига хизмат қиладиган яна бир маърифат ўчоғидир.

Шунингдек тақдимот доирасида давлатимиз томонидан унвон ва мукофотларга сазовор бўлиб келаятган ижодкорлар ҳам сўзга чиқиб, бугунги дориламон кун нашидаси, унинг келажакдаги эркин равнақи ва ривожланиши йўлида ижодкорларнинг вазифалари ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» Муҳаррам Ибрагимов, «Ўзбекистон халқ рассоми» Обиджон Бакиров, «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» — Петр Анненков ва Ханжара Абулқасимова, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳиби Оқилхон Иброҳимов, «Дўстлик» орденига сазовор Маҳмуджон Шошқулов, «Шўхрат» медалига муносиб топишган Хуршид Зияхонов, Равшан Йўлдошев, Тулаган Тожиқўжаевларга ёш рассомлар ва муҳлислар ҳам ўз эзгу тилақларини билдириб гуллар ҳадя қилдилар.

— Биз жаннатмақор юртда яшаймиш, — дейди «Ўзбекистон халқ рассоми» Обиджон Бакиров. — Бу диёр биз ижодкорларга битмас-туғанмас куч-ғайрат, шижоат ва илҳом берадики, ундан унумли фойдаланмасликнинг иложи йўқ. Зеро, тасвирий санъат ҳеч бир таржимонсиз мамлакат ҳақида ахборот бера олиш имкониятига эга. Бу эса ўз навбатида давлатимиз томонидан юқори баҳолашиб, ижодкорларга маънавий ёрдам бериб келмоқда. Мен яқиндагина «Ўзбекистон халқ рассоми» деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Жудаям хурсанд бўлдим, албатта. Давлатимиз камтарона меҳнатларимни инобатга олиб тақдирлагани мени ҳаяжонга солди. Янада янги-янги ижод сирларини кашф этишимга рағбат йўлини очиб берди ва ўзимга бўлган ишончини орттирди. Президентимиз гапхўрликларни остида ижод аҳлига бўлаётган эътибор барча ижодкорларни бирдай қувонтирмоқда. Илоҳим шу жаннатмақор гўзал диёримизга кўз темгасин. Ватанимизнинг жамики буй-бастини нурларга, гулларга ўраб чизиб, бор ҳусну жамолни оламга намоён этиш биз ижодкорларга ҳақиқатан ҳам насиб этаверсин.

**Гулчехра САТТОР қизи**

### БЕРЛИНДА ФОТОКЎРГАЗМА

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 17 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДОИРАСИДА БЕРЛИНДА «ЛАҲЗАЛАРДА АКС ЭТГАН ЎЗБЕКИСТОН» КЎРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ. ТАДБИР «АУГУСТИНУМ» ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ГФРДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.**

«Аугустинум» Германиядаги йирик жамоат ташкилотларидан бири бўлиб, муҳим ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш билан шуғулланади. Унинг Германиядаги 22 та бўлимида тўрт мингдан зиёд ходим меҳнат қилади. Кўргазма экспозициясидан юртимиз тарихи ва маданиятига бағишланган 50 та фотосурат ва коллаж ўрин олган. Асарлар муаллифи — 1998-2003 йилларда Ўзбекистонда яшаган ва немис тили ўқитувчиси сифатида фаолият юритган Х.Вагнер хонимдир.

Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан «Аугустинум» жамоат ташкилотининг Берлин бўлими раҳбари Р.Нагел хоним фотокўргазма Германия жамоатчилигини Ўзбекистон билан янада яқинроқ таништиришига, унинг бетакорор маданияти, тарихи ва анъаналари ҳақидаги тасавурларини бойитишга хизмат қилишини қайд этди.

«Ушбу асарлар германияликларга ўзбек маданиятининг бойлиги, унинг хилма-хиллиги ва бетакорор гўзаллигини чуқур хис этишга ёрдам беради», — деди Нагел хоним. Р.Нагел Ўзбекистонда турли соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар ҳақида тўхталиб, ёш авлоднинг соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш борасида Ўзбекистонда амалга

Мақолада ташриф давомидеа томонлар Фленсбург шаҳрининг катор олий ўқув юртлари билан Тошкент давлат техника университетини ўртасида битим имзолангани ҳамда унга кўра янги ўқув йилидан бошлаб томонлар талаба ва ўқитувчилар алмашиувини йўлга қўйиши ҳақида хабар берилди.

Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб амалга оширган сафар таассуротлари ҳақида гапириб, муаллиф жумладан шундай дейди: «Ўзбекистон шаҳарларидаги охишта ҳаёт одамнинг кўнглига ҳам ажиб бир сокинлик бағишлайди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд шу қадар гўзал шаҳарларки, инсон ўзини эртанда юргандек хис қилади».

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорликка бағишланган мақолалар, шунингдек, Баден-Вюртемберг федерал ўлкасида нашр этилувчи «Франкише нахрихтен» ва «Таубер Цайтунг» кундалик газеталарида ҳам чоп этилган. Уларда 2008 йил Ўзбекистонда Ёшлар йили, деб эълон қилингани қайд этилиши баробарида соғлом ва ҳар жиҳатдан комил авлодни тарбиялаш Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келаятгани таъкидланади. **Шўхрат УМИРОВ, «Жаҳон» АА муҳбири.**

### 2008 — Ёшлар йили ИҚТИДОРЛИЛАР УЧУН ГРАНТЛАР

**ЖОРИЙ ЙИЛ РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИБ, БЮДЖЕТ АСОСИДА ЎҚИШ УЧУН ЕТАРЛИ БАЛЛ ТЎПЛАШ ОЛМАГАН 100 НАФАРГА ЯҚИН ИЙГИТ-ҚИЗ ШАРТНОМА ПУЛИНИ ТЎЛАШ УЧУН ГРАНТНИ ҚЎЛГА КИРИТАДИ. УЛАР БУНДАЙ ИМКОНИЯТГА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ВА «МЕҲР НУРИ» ЖАМҒАРМАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИДА АМАЛГА ОШИРИБ КЕЛИНАЁТГАН ТАЪЛИМ ГРАНТЛАРИ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ЭГА БЎЛМОҚДА.**

Ёш авлод ҳақида гапхўрлик қилиш, ёшларнинг сифатли таълим олиши, ўз истеъдод ва қобилиятини намоён этиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларда уларнинг ролини ошириш учун барча зарур шарт-шароит яратиш давлатимиз раҳбари юритаётган ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Бу борадаги ишларда жамоат ташкилотлари ҳам фаол иштирок этаётир. Улар орасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ва «Меҳр нури» жамғармалари ҳам бор. Мазкур жамғармалар рўбга чиқарётган лойиҳаларнинг аксарияти бевосита иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Мамлакатимизда таълим грантлари дастури тўрт йилдан буён танлов асосида амалга ошириб келинмоқда. Ушбу танловда иштирок этишни хоҳловчи талабалар сентябрь ойида дастур ташкилотчиларига тўлдирилган сўровнома ва қатор ҳужжатларни топшириш лозим. Бу йил таълим грантлари номзодлар сони 1400 нафарни ташкил этди. Ваколатли мустақил мутахассислардан иборат ҳайъат ушбу ҳужжатлар асосида саралаш босқичини ўтказди. Шундан сўнг уларнинг орасидан энг муносиб номзодлар суҳбатга тақлиф этилади ва унинг натижасига кўра голиблар аниқланади. Бунда грантга даъвогарларнинг билими, етакчилик қобилияти, танлаган касбини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшишга интилишлари эътиборга олинади.

Таъкидлаш жоизки, иқтидорли ва фаол талабаларнинг шартнома пулини тўлаши кейинги йилларга ҳам узайтирилади. Таълим грантларига сазовор бўлаётган йигит-қизлар сони тобора ортиб бормоқда. Мисол учун, 2005 йилда, яъни дастурни амалга ошириш бошланганда уларнинг сони 28, 2006 йилда 44 нафар эди. Уларнинг 18 нафарига дастур келаси йил учун ҳам узайтирилди. Утган йили эса мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан 62 нафар йигит-қиз грант соҳиблари бўлди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» ҳамда «Меҳр нури» жамғармалари бундан буён ҳам таълим грантларини олиш ҳақиқини берувчи танлов голибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Одатда, танлов голиблари «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг фаолларига айланади. Бу эса уларга мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш, ижтимоий аҳамиятга эга ўз лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш имконини беради.

**Анна ИВАНОВА, ЎЗА муҳбири**

### Алоқа

### ТЕЛЕМИНОРАЛАР МАКЕТЛАРИ

**ЙЎЛИНГИЗ ТУШИБ, ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИГА ТАШРИФ БУЮРГАН БЎЛСАНГИЗ МЕҲМОНЛАР УЧУН МУҲАЙЁ ЭТИЛГАН ЯНА БИР ЯНГИЛИКНИНГ УСТИДАН ЧИҚАСИЗ.**

Ушбу улкан иншоотнинг кузатув майдончаси ва «Коинот» ресторанига олиб борувчи йўлда икки қаватли кириш мажмуаси бунёд этилди.

Икки қаватли бу мажмуада экскурсия бюроси, соғвалар дўкони, ёпиқ йўлақлар ўртасида ўзига хос музей ташкил топди. Унда бутун дунё улкан минораларнинг М-100 масштабда металлдан ишланган макетлари ўрин олди. Шунингдек, йирик иншоотлар тўғрисидаги маълумотномалар бор.

### МАҲАЛЛАДА АТС

**«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ БОҒЛАНМАЛАРИДА ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ ТАРАДДУДИ ҚЎРИЛМОҚДА.**

Тармоқнинг қатор участкаларини замонавийлаштириш борасидаги бунёдкорлик ишлари ҳам давом этмоқда. Шаҳримизнинг «Чоштепа» маҳалласида эса янги автомат телефон станцияси биноси қурила бошланди. Ушбу иншоот бунёд этилган, Ўзгариш, Эркин ва Чоштепа маҳаллалари ҳудудларида телефон хизмати янада яхши йўлга қўйилди.

### 40 ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТ

**«КОИНОТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАМИЯТИ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ СИФАТИДА ИШГА ТУШГАНИГА ҚИРҚ ЙИЛЧА БЎЛИБ ҚОЛДИ.**

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида фаолият кўрсатиб келаятган мазкур очик акциядорлик жамияти ахборот-коммуникация технологиялари воситаларини ишлаб чиқариш борасида бой тажриба орттирди.

Яқинда бу ерда «Коинот эл-СГМ» русумли консен-тратор тайёрлаш йўлга қўйилди. **Ақбар АЛИЕВ**

Оз-Оз ўрғаниб домо бўлар...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Агар дўстинг ғалат қилса жавобин, Кечиргил, Тангридин кутгил савобин. У миннатдор бўлса, бўлмаса ҳам, Карам қил, меҳр кўргиз ҳеч ёмай ғам.

Бу дунёда гуноҳсиз борму одам, Гуноҳсиз кимсани кўрганму олам?

Оғиздан чиққан гап отилган ўқ билан тенг.

Бойликка эришмоқ учун илм йўлидан осонроқ ва яқинроқ йўл йўқ!

Ҳар кимда бор бир орзу, ҳар кимда бор бир ҳолат, Аммо Худо не берса, шунга қилур қаноат.

Олижаноб кўнгилга хоксорлик дойим ёр.

Кими ёнида бўлса икки дирҳам:

Оғиз катта, сўзи сувдек оқар ҳам.

Унинг оғзида барча эътибори,

Сезар ўзини у элдин юқори.

Агарда бўлмаса ёнида дирҳам,

Хароб ҳолда кўрардик ҳаммадан ҳам.

Магар қийшқидур оғзи — сўзласин бой,

Анга қойил ёру кўк, офтоб, ой.

Сўз айтса бой, ани хўп, тўғри дерлар,

Фақир сўзини ёлғон, ўғри дерлар.

Тақдир тизгинин кўй, ул чопа берсин,

Аммо эркинг қўлдан бой берма асло.

Яхшилик келса қўлингдан доим эт,

Лутфу эҳсон биз билан юрмас мудом.

То тириксан яхши ишга бўлма ғов,

Дунёдан ўтсанг, қолур бу иш тамом.

Ёмон одам билан ҳамтовоқ бўлма, чунки

у бир темирчиға ўхшайди; унинг олови сени

қуйдирмаган тақдирда ҳам, тутуни зарар ет-

кизади.

Яхши иш қилмоқлик эмасдур осон,

Уни қилолмайсан ҳар лаҳза, ҳар он.

Кези келганида шошилиб қолгил,

Пайдо бўлмасидан йўлингда тўғон.

Молингни тежа, исрофгарчилик билан

уларни зое кетказма, у тақдирда паст одам-

ларга муҳтож бўлиб қоласан. Одамнинг қим-

мати қўлидаги мулки билан ўлчаниши доим

ёдингга бўлсин.

Пулим оз бўлганида ҳеч киши ҳам

дўст эмас менга,

Пулим кўп бўлганида барча менга

яхши дўсту ёр.

Пулимнинг ҳурматидин бўлдилар

душманларим ҳам дўст,

Пулимнинг йўқлигида дўстларим

ҳам бўлдилар ағёр.

Ўзингдан пастларга раҳм қилсанг, сендан

юқорилар ҳам сенга раҳм қиладилар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.



Спорт — саломатлик гарови.



ТАЛАБАЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИДА "ЁШЛИК" ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДА ЖОЙЛАШГАН ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАР ТУРАР ЖОЙЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ ЎТҚАЗИЛДИ.

Унда талабалар, Ички ишлар ходимлари, талабалар поликлиникаси ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашишди.

Тадбирда асосий эътибор ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш, улар хавфсизлигини таъминлаш ва наркотик моддаларнинг тарқалишига қарши курашиш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларга қаратилди.

Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад аҳоли ва талаба ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унга қарши кураш бўйича профилактика ишларини амалга оширишдан иборатдир.

Анжуманда сўзга чиққанлар содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш мақсадида махсус дастурлар тузилганини, унга кўра олий ўқув юртли талабалари ўртасида тарбия-ташвиқот ишлари олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади. Бундан ташқари, учрашувда жиноятчиликнинг олдини олиш, гивандлик ва унинг

инсониятга салбий таъсири ҳамда аянчли оқибатлари ҳусусида сўз юритилди. Тиббиёт ходимлари томонидан айрим юқумли касалликларга қарши курашиш, соғлом муҳитни юзга келтиришнинг йўллари ҳам айтаётган бўлди. Шунингдек, анжуманда ёшлар гивандлик ва жиноят йўлига нима сабабдан кириб қолаётганини аниқлаш, унинг ечимини топиш ва чора кўриш муҳим вазифалардан бири эканлиги эътироф этилди. Бундай тадбир ва давра суҳбатларининг ташкил этилиши, аввало ёшларни ҳуқуқий билим ва кўникмаларини шакллантириб, уларни янада ҳушёрликка ундайди. Тадбирда бу каби иллатларнинг олдини олиш, ёшларни соғлом турмуш тарзига жалб қилиш масалалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар, тақлифлар билдирилди. Талабалар мавзу юзасидан берган саволларига атрофича жавоб олдилар.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, "Туркистон-пресс"

РОССИЯ КЎРГАЗМАЛАР МАРКАЗИДА ХХІ МОСКВА ХАЛҚАРО КИТОБ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАСИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

МОСКВАДА КИТОБ САЊАТИ КЎРГАЗМАСИ

Унда дунёнинг 80 дан зиёд мамлакатидан келган юзлаб нашриёт вакиллари ўзининг 180 мингдан ортиқ номдаги китобларини намойиш этди. Ўзбекистон экспозициясидан мамлакатимиз нашриётларида чоп этилган 240 номдаги китоб ва альбомлар ўрин олди.

Анъанага кўра, кўргазма-ярмарка доирасида МДҲга аъзо мамлакатларнинг «Китоб санъати» V халқаро танловни яқунлари бўлиб ўтди. «Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган китоб» номинациясида Тошкентдаги «Арт Флекс» нашриётида чоп этилган уч жилдли «Суратларда акс этган тарих» наشري иккинчи даражали дипломга сазовор бўлди.

«Маънавият» нашриёт уйи томонидан чоп этилган «Шўртан. Корхона тарихи» рангли альбому ўзининг юксак даражадаги полиграфия ижроси учун Даврий матбуот, китоб наشري, китоб савдоси ва полиграфия соҳасидаги ҳамкорлик бўйича давлатлараро кенгаш ҳамда МДҲга аъзо давлатлар гуманитар ҳамкорлиги давлатлараро жамғармасининг махсус дипломига сазовор бўлди.

Шунингдек, «Ўқитувчи» нашриётининг «Босунрома» бадиий-рангли китоби ҳамда «Рафур Фулом» нашриёт уйининг «Ўзбек халқ эртаклари» китоблари ҳам турли йўналишлардаги дипломларга муносиб деб топилди.

«Жаҳон» АА, Москва.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» САЛОМАТЛИК ХИЗМАТИ

КЎК ЧОЙ — ҲАР ДАРАГА ДАВО

«АНТИОКСИДАНТЛАР» СЎЗИ ҲОЗИР ҲАЁТИМИЗДА КЎП ИШЛАТИЛАДИГАН СЎЗЛАР ҚАТОРИГА КИРИБ ҚОЛГАН. БУ СЎЗ ШУ ҚАДАР ОММАВИЙЛАШИБ КЕПТАНКИ, УНИ ҲАТТО ТИББИЁТДАН УЗОҚ КИШИЛАР ҲАМ ТИЛГА ОЛИШАДИ. БУ ҲОЛАТ ГЎЁ ШУ МОДДАЛАРДАН ФОЙДАЛИРОҚ НАРСА ЙЎҚДЕК ТАСАВВУР ТУҒДИРИШИ МУМКИН. БУ ЎЗИ НИМА-Ю УНИ ҚАЕРДАН ИЗЛАШ КЕРАК? ШИФОКОР М.МИРШАРИПОВ БИЛАН БУГҮНГИ СУҲБАТИМИЗ ШУ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ.

Антиоксидантлар билан боғлиқ кўплаб афсоналару иштибоҳларни мисол келтириш мумкин. Масалан, кўпчилик С, Е витаминлари, каротиноидларни уларнинг энг кучлилари деб ҳисоблайди. Аслида эса, улар энг заиф антиоксидантлардир.

Узоқ йиллар давомида шу муаммо устида жиддий илмий-тадқиқот ишлари олиб борган Россиянинг "Химавтоматика" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси илмий-техникавий маркази раҳбари Я. Яшин кўк чой таркибидagi катехинлар Е ва С витаминларидан 20-50 баравар кучлигини исботлаб берди. Антиоксидантларнинг энг кучли вакили эса — биофлавоноидлардир. Улар барча ўсимликларда — бирида озроқ, бошқаларида кўпроқ миқдорда мавжуд бўлади. Улар ўсимликларда ҳам антиоксидантлар вазифасини бажаришади ва уларни ксилоруд, ҳарорат ва кўёш таъсиридан ҳимоя қилишади.

Антиоксидантлар дуч келган нарсаларини оксидлайдиган ва "эркин радикаллар" деб номланадиган моддаларнинг таъсирига тўсқинлик қилади. Чунки уларнинг бундай таъсири инсон организмига салбий бўлиб, турли касалликларни келтириб чиқаради. Радикалларнинг бунақанги ноқўя таъсирига ўтган асрнинг 70-йилларида биохимё олим академик Н.М. Эмануэль эътиборни қаратганди.

Амалда ҳозирги замон кишини "оксидланиш" стресси шароитларида ҳаёт кечириди: эркин радикалларнинг кўпайиб кетиши ҳужайраларни, уларнинг мембраналарини, томилар деворларини зарарлайди. Бу эса, ўз навбатида атеросклероз, инфаркт, инсулт, қантли диабет, онкологик касалликлар, шунингдек, эрта қариш ҳолларига олиб келади. Олимлар жами юзга яқин касалликларни шу оксидловчи стресс ҳолати билан боғлашади. Уларга қарши қандай курашиш керак?

Авало ҳар ким ўзига мос меъёрни билиши лозим. Яъни ҳар кун, профессор Яков Яшин тавсия қилганидек, муайян миқдордаги табиий антиоксидантларни истеъмол қилиш керак бўлади. Эркин радикаллар занжирли реакцияни вужудга келтиради ва натижада оксидланиш жараёни жуда тезкор кечади.

Антиоксидантлар эса, шу эркин радикалларга дуч келар экан, ушбу реакциялар занжирини тўхташиб қолиб, шу йўл билан инсонларни хавфли ҳасталиклардан асраб қолади.

Демак, антиоксидантларни истеъмол қилиш билан кўп касалликларнинг олдини олиб қолишимиз мумкин экан. Аммо бизга қанча миқдорда антиоксидант керак, турли махсуслашган таркибда қанчадан антиоксидант мавжуд ва улар қай хил озиқларда бўлади — муаммо ана шуларни аниқ билиб олишда. Бу саволларга олимлар бирдек яқдил жавоб беришмайди. Антиоксидантлар кимёси жуда мураккаб бўлиб, уларни аниқлаш усуллари кўпича бир-бирига зид келади. Хануз қатъий бир тўхтамга келинмаган экан, кўрсатма-ю тавсиялар маҳдудлигича қолаверайди.

Профессор Я. Яшин тавсия этганидек, инсон истеъмол қилиши керак бўлган антиоксидантларнинг кунлик нормаси 50 дан 800 миллиграммгача бўлган кўрсаткичлар ораллигини ташкил этади. Бинобарин, янада аниқроқ кўрсатмалар керак экани аниқ. Олим раҳбарлигида бу масалада жиддий иш олиб борилмоқда. Антиоксидантларни аниқловчи ишончли асбоблар яратилди ҳамда махсуслашган таркибда улар миқдори ҳақида маълумотлар банк вужудга келтирилди. Кўпгина мевалар, резаворлар, сабзавотлар, асал, шарбатлар тестдан ўтказилди. Ичимликлар — чой, квас, пиво, вино, ароқ, коффе, балзам(малҳам)ларни ўрганиш давом этмоқда.

Антиоксидантлар миқдори бўйича кўк чой энг биринчи ўринда туради. "Кимматбахо Фудзияна", "Нозанин киприклар" ва "Яшил чиганок" қуртилган чойларнинг ҳар 1 граммидан 300 миллиграммдан антиоксидант топилган. Бу бир кунлик нормадан анча ортиқ. Лекин антиоксидантлар миқдори кўп бўлмаган кўк чойлар ҳам мавжуд. Бунинг устига кўк чой бизда жуда ҳам оммавийлашиб кетмаган (айниқса Тошкент шаҳри ва вилоятида). Минтақамизда севиб ичиладиган қора чой ҳам кўк чойга нисбатан 5-6 марта кам бўлса-да, антиоксидантларга бой ҳисобланади.

Шуни ҳам айтиш жоизки, фақат чойларгина эмас, антиоксидантларга бой ҳар қандай озиқ фойдаландир. Масалан, бижигитиш йўли билан тайёрланадиган квас шу жиҳатдан алоҳида диққатга сазовор. Ҳақиқий кваснинг 1 литрида тахминан кунлик нормага яқин миқдорда биофлавоноидлар мавжуд.

Кўньяда антиоксидантлар муайян миқдорда мавжуд бўлишига қарамай, оксидловчи стрессини унинг ёрдамида барқан топтиришга уриниш мумкин эмас — уни ичиш жуда зарарли. Вино ёки пиводан олинмаган антиоксидантлар ундан кўра дурустроқ ҳисобланади. Этилмаган қизил вино таркибидан биофлавоноидлар миқдори пивого нисбатан 3 баравар кўпдир. Лекин бизда антиоксидантлар миқдори арзимас даражада бўлган винолар жуда кўп. Айни пайтда баъзи бир пиво навларида улар миқдори анча кўп. Айниқса, "Очаково Премиум Черно леко" пивосида антиоксидантлар миқдори бошқа хил пиволарга қараганда 2-3 баравар кўп.

Бундай пивонинг бир стаканни ичиб, антиоксидантларнинг бўлун бир кунлик нормасини оштиниб ўзини мумкин: унинг 200 миллилитрида 150 мг флавоноидлар бор. Аммо уларнинг миқдори турли хил пивода турлича бўлади. Боз устига, улар кўпича ишлаб чиқариш жараёнида йўқотилади. Ривожланган мамлакатларда, жумладан, Германияда уларни йўқотмаслик чораларини кўриш билан бирга, антиоксидантлар миқдори кўпайтириш йўллари ҳам аниқланиб, ишга солинмоқда.

Бу билан пиво ёки ундан кучлироқ ичимликларни ичишни тарғиб қилмоқчи эмасмиз. Масалан, антиоксидантларнинг бир кунлик нормасига эга бўлиш учун юқорида номи келтирилган пивонинг бир стаканни истеъмол қилиш kifоя. Пивого ружу қилишининг эса, салбий оқибатлари ҳам оз эмас. Истеъмол қилиб бориш жуда керак. Аммо ҳамма нарсда бўлганидек бунда ҳам меъёр жуда катта аҳамиятга эга.

Спорт янгиликлари

КОРТАДА БОЛАКАЙЛАР БЕЛЛАШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДА СПОРТНИНГ МАЗКУР ТУРИ БЎЙИЧА ЎН ИККИ ЁШГАЧА БЎЛГАН БОЛАЛАР ИШТИРОКИДАГИ ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ТЕННИСЧИЛАРИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

Кирк нафарга яқин ўғил-қиз ўртасида ўтказилган қизиқарли беллашуларда барча совринли ўринлар Тошкент шаҳри шароитини ҳимоя қилган жажжи теннисчиларга насиб қилди.

Қизлар ўртасидаги финал учрашувида Анастасия Зеленаи мағлубиятга учратган Гўзал Низомова мусобақа ғолибаси бўлди. Учинчи ўринга Кристина Жамолова кўтарилди. Ўғил болалар баҳсида кучли учлик Кирилл Колесниченко, Алан Гаджиев ва Эдуард Калединскийдан таркиб топди.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ — ШОҲСУПАДА

РОССИЯНИНГ НИЖНИЙ НОВГОРОД ШАҲРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА НОГИРОН-АМПУТАНТЛАР ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТИЛИГИ (МДҲ) КУБОГИ МУСОБАҚАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ КУМУШ МЕДАЛГА САВОБОР БЎЛДИ.

Ўзбекистонлик спортчилар ҳал қилувчи беллашувада мезбонлар вакили «Нижнегородск» жамоаси билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнади. Мусобақа қондасига кўра, турнир давомида тўплар нисбати бўйича иккинчи ўринга эга бўлган «Нижнегородск» биринчи, Ўзбекистон терма жамоаси эса иккинчи ўринга лойиқ топилди. Бронза медалга Украина терма жамоаси вакилларига насиб этди.

МЕРГАНЛАР БАҲСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ПНЕВМАТИК ҚУРОЛДАН ЎҚ ОТИШ БЎЙИЧА МАМЛАКАТ КУБОГИ УЧУН ЎТҚАЗИЛГАН МУСОБАҚА ЯҚУНЛАНДИ.

Турнирда Пекин Олимпиадаси иштирокчиси Елена Кузнецова ҳамда тажрибали мерган Яна Фатхитина ортада қолдирган 16 ёшли Мария Филимонова ғолиб чиқиб, Ўзбекистон кубогини қўлга киритди.

БРОНЗА МЕДАЛИ СОҲИБЛАРИ

РОССИЯДА ЭШКАК ЭШИШНИНГ СЛАЛОМ ТУРИ БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛГАН МАМЛАКАТ ОЧИҚ БИРИНЧИЛИГИДА 23 ЁШГАЧА БЎЛГАН ИККИ ЮЗ НАФАРГА ЯҚИН СПОРТЧИ ҒОЛИБЛИК УЧУН КУЧ СИНАШДИ.

МАҲОРАТ КЎРСАТИШДИ

ПОЙТАХТИМИЗДАГИ "ПАХТАКОР" МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА ЕНГИЛ АТЛЕТИКА БЎЙИЧА ЁШ СПОРТЧИЛАР ЎРТАСИДА ЎТҚАЗИЛГАН МУСОБАҚАДА ЮЗ НАФАРДАН ЗИЁД ИШТИРОКЧИ ЎЗ МАҲОРАТИНИ НАМОЙИШ ҚИЛДИ.

Яқинда Хитой пойтахти Пекин шаҳрида ўтказилган XXIX ёғги Олимпиада ўйинларида қатнашиб, тажриба ва маҳоратини оширган иқтидорли атлетларимиз — Бобур Шокиржонов, Анастасия Свечникова ва Юлия Тарасова яна бир қарра ўзини кўрсатди. Найза уюқтириш бўйича ёшлар ўртасида Осиёнинг амалдаги чемпиони бўлган Бобур Шокиржонов ва Анастасия Свечникова пойтахтимиздаги мусобақада ҳам биринчи ўринга сазовор бўлди.

Олимпиада ўйинларида етти кураш баҳсларида қатнашган Юлия Тарасова узунликка бўйича ҳамюртимизда етакчи спортчилардан эканини исботлади. Ю.Тарасова олти метр, ўн бир сантиметр кўрсаткич билан шоҳсупа-нинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Шунингдек, юз ва икки юз метр масофага югуриш бўйича Альбина Сабатгулина маррага биринчи келиб, бир жуфт олтин медалга сазовор бўлди. Ҳаммадан ташқари Ситора Ҳамидовага тенг келадигани топилмади. Ядро улоқтириш баҳсларида Григорий Комуля ғолиб чиққан бўлса, босқон улоқтиришда энг яхши натижани Виктор Устинов қайд этди.

РЕГБИЧИ ҚИЗЛАР — СОВРИНДОР

ҚОЗОҒИСТОНДА РЕГБИ БЎЙИЧА 1989-1990 ЙИЛЛАРДА ТУГИЛГАН ҚИЗЛАР ЎРТАСИДА РЕГБИ БЎЙИЧА ЎТҚАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ТУРНИРДА ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ.

Бир даврли тизимда ўтказилган мазкур мусобақада Ўзбекистон, Россия ва Қозоғистондан жами саккизта жамоа иштирок этди. Олег Галкин мураббийлик қилаётган Ўзбекистонлик регбичилар Қозоғистон жамоалари — «Салта»ни 21:10, «Старт»ни 33:0, «Снайпер»ни 61:0, «Талгарочка»ни 32:0, «СДЮШОР-1»ни 46:0 ва Россиянинг «Буревестник» жамоасини 31:0 ҳисобида доғда қолдириб, иккинчи ўринни эгаллади.

Мусобақа ғолиблиги Ўзбекистонлик регбичилардан 5:10 ҳисобида устун келган мезбон жамоа — «Олимп»га насиб этди.

Ўзбекистон терма жамоаси вакили Умида Сариева халқаро турнирни кузатиб борган мутахассислар томонидан «энг яхши ўйинчи», деб эътироф этилди.

Бохир БЕК



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3329 нусxada босилди. Қўғоғ бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6